

Бир тунда етмиш икки фикҳий масалани ечган зот



21:00 / 20.03.2021 5383

Имом Аҳмад доим қизига Имом Шофеъийнинг фазли, илми ва тақвоси ҳақида кўп гапирарди. Бир куни уни уйига таклиф қилди. Кечки овқатни тановул қилишгач, Имом Шофеъий тўшакка бориб, ётди.

Имом Аҳмаднинг қизи: «Отажон, сиз кўп айтадиган Имом Шофеъий шу киши бўладиларми?» деди. «Ҳа», деди имом. «Унинг учта камчилигини сезиб қолдим», деди қиз. «Олдига овқат қўйганимизда жуда кўп овқат еди. Хонага киргач, тунда туриб, таҳажжуд ўқимади. Эрталаб бомдодни биз билан таҳоратсиз ўқиди», деди.

Имом Аҳмад бориб, Имом Шофеъийдан буларга изоҳ сўради. Шофеъий унга шундай деди: «Эй Аҳмад! Кўп еганимнинг сабаби шуки, овқатингиз ҳалол, ўзингиз эса олижанобсиз. Олижаноб одамнинг овқати даво бўлади, бахилнинг овқати эса захар бўлади. Тўйиш учун еганим йўқ. Овқатингиздан шифо топиш учун тановул қилдим.

Кечаси қоим бўлмаганимнинг сабаби шуки, ухлайман деб бошимни ёстиққа қўйсам, Аллоҳнинг китоби ва Набий алайҳиссаломнинг суннати худди кўз олдимда тургандек бўлаверди. Шунинг учун мусулмонлар учун фойдали бўлган етмиш икки фикҳий масалани ечдим, кечаси қоим бўлишга эса фурсат топа олмадим.

Сизлар билан бомдодни таҳорат қилмай ўқиганимнинг боиси эса, кўзим кечаси билан уйқу тотмади ва хуфтоннинг таҳорати билан бомдодни ўқидим».

«Солиҳлар гулшани» китоби асосида тайёрланди